

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ТОМОНИДАН ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мурадов Муроджон Умедович

ИИБ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20676320>

Аннотация. Мазкур мақолада одам савдоси жиноятларининг махсус профилактикасини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, профилактика инспекторларининг мазкур соҳадаги ваколатлари ва фаолият йўналишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, одам савдоси билан боғлиқ хавф гуруҳларини аниқлаш, махсус профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, давлат органлари ва жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликни ташкил этиш масалалари ёритилган. Тадқиқот натижалари асосида одам савдоси жиноятларининг махсус профилактикасини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: одам савдоси, махсус профилактика, профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, меҳнат миграцияси, виктимологик профилактика, хавф гуруҳи, жамоат хавфсизлиги.

Замонавий жамият тараққиёти шароитида одам савдоси халқаро миқёсда кенг тарқалаётган трансмиллий жиноятлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу жиноят инсоннинг эркинлиги, қадр-қиммати ва шахсий дахлсизлигига қарши қаратилган бўлиб, унинг салбий оқибатлари нафақат алоҳида шахсларга, балки бутун жамият ва давлат хавфсизлигига таъсир кўрсатади. Бугунги кунда одам савдоси меҳнат эксплуатацияси, жинсий эксплуатация, мажбурий хизмат, қарздорлик асосида эксплуатация қилиш ҳамда бошқа турли шаклларда содир этилмоқда. Глобаллашув жараёнларининг кучайиши, ташқи меҳнат миграциясининг кенгайиши, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва аҳоли ўртасидаги айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар мазкур жиноятнинг содир этилиши учун қулай шароит яратмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, одам савдосига қарши курашиш соҳасида кенг кўламли ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ мазкур жиноятларнинг юқори ижтимоий хавфлилиги уларнинг олдини олиш соҳасида янада самарали механизмларни жорий қилишни талаб этмоқда. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида махсус

профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Криминология соҳасидаги илмий тадқиқотларда жиноятчиликнинг олдини олишда махсус профилактика муҳим ўрин тутиши қайд этилган. Жумладан, В.Н.Кудрявцев жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш профилактиканинг энг самарали усули ҳисобланишини таъкидлайди [1, 88-б.]. Олимнинг фикрича, муайян турдаги жиноятларга қарши мақсадли таъсир чораларини қўллаш умумий профилактикага нисбатан юқори самара беради. Мазкур ёндашув одам савдоси жиноятларининг махсус профилактикасини ташкил этишда муҳим назарий аҳамият касб этади.

Одам савдоси жиноятларининг ўзига хос хусусияти шундаки, мазкур жиноятлар кўп ҳолларда олдиндан тайёргарлик кўрилган ҳолда, уюшган тарзда ва муайян шахсларнинг оғир ижтимоий аҳволидан фойдаланиш орқали содир этилади. Шу сабабли мазкур жиноятларнинг олдини олишда хавф гуруҳига кирувчи шахсларни аниқлаш ва улар билан манзилли ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Амалиёт таҳлиллари шунини кўрсатмоқдаки, меҳнат миграциясига чиқиш ниятида бўлган фуқаролар, ишсиз ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар, нотўлиқ оилалар аъзолари ҳамда ҳуқуқий билимлари паст бўлган шахслар одам савдоси қурбонига айланиш хавфи юқори бўлган тоифалар ҳисобланади.

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бевосита субъектлари сифатида мазкур хавф гуруҳларини аниқлаш ва улар билан ишлашда муҳим ўрин тутди. Чунки айнан профилактика инспектори хизмат кўрсатаётган ҳудуддаги аҳолининг ижтимоий ҳолати, миграция жараёнлари, оилавий муаммолар ва бошқа криминоген омиллар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади. Шу боис одам савдоси жиноятларининг махсус профилактикасини ташкил этишда профилактика инспекторининг имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

С.С.Алексеев ҳуқуқий давлатда ҳар қандай профилактик фаолият ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан узвий боғлиқ бўлиши лозимлигини таъкидлайди [2, 214-б.]. Дарҳақиқат, одам савдоси жиноятларининг кўплаб қурбонлари мазкур жиноятнинг белгилари, унинг хавфли оқибатлари ва ундан ҳимояланиш усуллари ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Шу сабабли аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот



ишларини кучайтириш махсус профилактиканинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Махсус профилактика умумий профилактикадан фарқли равишда муайян турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки жиноятларнинг олдини олишга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар тизимидан иборат. Одам савдоси жиноятларига нисбатан махсус профилактика чоралари биринчи навбатда мазкур жиноятларнинг содир этилишига имкон бераётган омилларни бартараф қилишга йўналтирилиши лозим. Бунда меҳнат миграцияси соҳасида ҳуқуқий тушунтириш ишларини ташкил этиш, аҳолини ишга жойлаштириш бўйича ноқонуний воситачилар фаолияти ҳақида огоҳлантириш, хавф гуруҳига кирувчи шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

М.Х.Рустамбаев профилактик фаолиятнинг самарадорлиги давлат органлари ва жамоатчилик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик даражасига ҳам боғлиқ эканлигини таъкидлайди [3, 247-б.]. Шу нуқтаи назардан одам савдоси жиноятларининг махсус профилактикасини амалга оширишда профилактика инспекторлари маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари, бандлик органлари, миграция хизматлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши зарур.

Одам савдоси жиноятларининг олдини олишда виктимологик профилактика ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки мазкур жиноятларда жабрланувчилар кўп ҳолларда муайян ижтимоий муаммолар таъсирида жиноятчилар таъсирига тушиб қолади. Шу боис профилактика инспекторлари томонидан одам савдоси қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг махсус ҳисобини юритиш ва улар билан индивидуал профилактика ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

З.М.Исломов ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муҳим омили эканлигини таъкидлаб, аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш ҳуқуқий хавфсизликни таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланишини қайд этади [4, 179-б.]. Шу нуқтаи назардан профилактика инспекторлари томонидан маҳаллаларда, таълим муассасаларида ва меҳнат жамоаларида одам савдоси билан боғлиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирларини мунтазам ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижалари асосида профилактика инспекторлари фаолиятига «Одам савдоси хавфини эрта аниқлаш индикаторлари

тизими»ни жорий қилиш таклиф этилади. Ушбу тизим орқали хавф гуруҳига кирувчи шахсларнинг ижтимоий аҳволи, миграция режалари, муқаддам жабрланувчи бўлганлиги, ишсизлик ҳолати ва бошқа муҳим омиллар баҳоланиши мумкин. Бу эса профилактика инспекторига одам савдоси қурбонига айланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни барвақт аниқлаш имконини беради.

Шунингдек, профилактика инспекторларининг одам савдоси жиноятлари профилактикаси соҳасидаги малакасини мунтазам ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Зеро, мазкур жиноят турининг доимий равишда ўзгариб бораётган усуллари профилактик фаолиятда ҳам замонавий ёндашувларни талаб этади. Айниқса, интернет орқали амалга оширилаётган одам савдоси ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича махсус кўникмаларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдоси жиноятларининг махсус профилактикасини ташкил этишда профилактика инспекторлари ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Мазкур соҳада хавф гуруҳига кирувчи шахсларни аниқлаш, виктимологик профилактика чораларини амалга ошириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш, давлат органлари ва жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш ҳамда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш мазкур жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, профилактика инспекторлари фаолиятини илмий асосланган ёндашувлар асосида такомиллаштириш одам савдосига қарши курашиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Кудрявцев В.Н. Причины правонарушений. – Москва: Юридическая литература, 1976. – 286 с.
- 2.Алексеев С.С. Теория права. – Москва: БЕК, 1995. – 320 с.
- 3.Рустамбаев М.Х. Криминология. – Тошкент: ТДЮУ, 2021. – 512 б.
- 4.Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2018. – 416 б.

